

ШЕРМУҲАММАД МУНИС ВА КОМИЛ ХОРАЗМИЙ: АНЪАНА ВА ИЗДОШЛИК

Шаҳобиддин Бобоёрович НУРИДИНОВ

Докторант

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

shahnur.82@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Шермуҳаммад Мунис ижодининг Комил Хоразмий шеъриятига таъсири масаласи ўрганилган. Ҳар икки шоирнинг шеърлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: девон, қўлёзма, тошбосма, нашр, адабий анъана, матний тадқиқ, ғазал, мухаммас, қофия, радиф.

ШЕРМУҲАММАД МУНИС И КАМИЛ ХОРЕЗМИ: ТРАДИЦИИ И ОБЩЕНИЕ

Шахабиддин Бабаярович НУРИДИНОВ

Докторант

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

shahnur.82@mail.ru

Аннотация

В статье исследуется влияние произведений великого представителя узбекской классической литературы Шермухаммада Муниса на поэзию Камиля Хорезми. Произведения обоих поэтов сравнительно проанализированы.

Ключевые слова: диван, рукопись, литография, издание, литературная традиция, текстовое исследование, газель, мухаммас, рифма, редиф.

Шермуҳаммад Мунис ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили. Ўзидан кейинги мумтоз шеъриятимиз вакиллари, хусусан, Хоразм адабий муҳити шоирлари ижодига сезиларли таъсир этган адабий сиймо. Мунис ижодидаги кўплаб адабий анъаналар кейинги давр ижодкорлари томонидан давом эттирилиб, лирик меросимиз хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Мунис XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярми ўрталари Хоразм адабий муҳитининг етакчи ижодкорларидан биридир. “Шунинг учун ҳам у ўша даврда ва ундан кейин давом этган адабий муҳитга ва унинг вакиллари

ижодига кучли таъсир кўрсатди. Бу таъсирни, жумладан, Огаҳий, Комил, Рожий, Сўфий Баёний ва бошқалар ижодида яққол кўрамиз.

Ўша вақтда яшаган неча ўнлаб шоирлар Мунисни ўзларига устод деб билдилар, унинг ғазалларига ўхшатма ва назиралар битдилар, мухаммаслар боғладилар” [1:67].

Шоир ижодига издошлик билан ўзидан салмоқли адабий мерос қолдирган ҳассос ижодкорлардан бири, мумтоз ўзбек шеъриятининг забардаст вакили Комил Хоразмийдир.

Комил Хоразмий ўз ижодий фаолиятида Навоий ва Огаҳий каби салафлари билан бир қаторда Мунис шеъриятидан ҳам таъсирланиб, катта замондошининг ижодига эҳтиром ва муҳаббат билан қаради, ғазалларига тахмислар боғлади. Шоир ижодида Мунис шеъриятининг таъсирини сезиш қийин эмас.

Комил Хоразмий Муниснинг “Манга”, “Санга”, “Пайдо”, “Аро”, “Хуноб”, “Кўз”, “Эваз”, “Орзу”, “Кўзгу”, “Густоҳ” “Субҳ”, “Сув”, “Ғунча”, “Лола” радифли ишқий, ижтимоий-маърифий мавзулардаги ўнлаб ғазалларининг қофияси, радифи, вазни ҳамда мавзусини сақлаган ҳолда кўпгина ғазаллар яратди. Шоир ўз бадиий ниятининг ифодаси учун бу радифларни танлар экан, устози билан ижодий мусобақага киришиб, унга муносиб жавоб айтишга ҳаракат қиласи. Айтиш мумкинки, бу ғазаллар Комил Хоразмий ғазалиётининг энг сара намуналари саналади. Шоир ижодий камолотида Мунисдан ўрганишга, ундан ибрат олишга алоҳида аҳамият беради. Куйида икки шоир ижодидаги айрим муштаракликлар тўғрисида тўхталамиз. Муниснинг машҳур ғазалларидан бирининг матлаъси куйидагича:

Ютубон бу замонда қон шуаро,

Назм этар гавҳари фигон шуаро [10;12].

Кўплаб ижодкорларда замона зулмидан норизолик, илм ва ижод аҳлининг жафокашлиги, фалакнинг кажрафтормиги етакчи мотивлардандир.

Мунис ғазалида айни ижод ахлининг замон зулмидан қон ютиб, кўз ёшларини назм этгани баён қилинади. Комил Хоразмий ғазалларидан бирининг юқоридаги байтга ҳамоҳанг матлаъси қуидагича:

Ютубон бу замонда қон фузало,

Кулфат ўқизадур нишон фузало [8;154].

Дикқат қилинса, илк мисра ҳар икки шоирда деярли бир хил. Мунис ижод ахлининг афтодаҳоллигини қаламга олса, Комил бадиий майдонни бир оз кенгайтиради. Кулфат ўқига нишон бўлган шоирларгина эмас, балки илм, маданият ва маърифат аҳли (фозиллар)дир. Ушбу ғазал шоирнинг “ўз даври устидан чиқарилган зўр айбномага ўхшайди” [5;246]. Бунда Комил Хоразмий Мунис ғазалига назира боғлаш билан бирга ушбу ғазал замирида ўзига хос маҳорат билан мутлақо янги бир ғазал яратади. Худди шундай фикрни қуидаги матлаъларда ҳам кўрамиз:

Мунис:

Қатра-қатра терки рухсорингдадур май тобидин,

Оташин ёқут уза сероб луълармуудур? [10;228].

Комил:

Зоҳир аракларму эрур, гулбарги хандонинг уза,

Ё лаъли хотам даврида сероб луълармуудур? [8;60].

Мунис маъшуқа юзидаги қатра-қатра терни май таъсиридан деб билади, терни лаб (оташин ёқут) атрофидаги инжууларга қиёслайди. Комилда эса гул япроги каби кулиб турувчи юз устида намоён бўлган тер (арак) томчиларими ёки узукдаги лаъл атрофидаги марваридларми дея таажжуб билдиради. Кўринадики, Комил Мунис фикрини янада ривожлантиради. Байтлардаги “қатра-қатра–зоҳир”, “тер–арақ”, “рухсор–гулбарги хандон”, “оташин ёқут–лаъли хотам”, “уза–давр” каби жуфтликлар айнан бир хил ёки мазмунан яқин тушунчаларни англатувчи сўзлар бўлиб, бу билан Комил мавжуд бадиий топилмага ўзига хос ёндашади. Шу билан бирга Мунис байтидаги ташбех, муболага, тажоҳули ориф сингари бадиий санъатларни ҳам сақлаб қолади.

Шу каби ўхшашлик “Лола” радифли ғазаллар матнида кузатилади.

Мунисда:

*Кўруб юзунг бошингга эврулурга баргидин,
Чиқарди бағри қародек учарга пар лола [10;46].*

Комилнинг шу радифда битилган газалининг қуйидаги байти Мунис байтига ниҳоятда ҳамоҳанг:

*Хижсолат касратидин турмайин гулишанда баргидин,
Чиқарди учғали бағри қародек пар аён лола.*

Мумтоз шеъриятимизда радиф сифатида кўп қўлланган сўзлардан бири “офтоб” лафзи бўлиб, Мунис табиат ҳодисасидан гўзал бадиий ташбех яратади:

*Сенки шоҳи ҳуснсен ҳар кун қилиб қуллуқ санга,
Сажда айларга қўяр туфроққа руҳкор офтоб [10;72].*

Подшоҳга қуллуқ қилиб, сажда қилган каби юкуниш воситасида ёрнинг гўзал сиймоси олдида қуёшнинг ҳатто тупроққа юз қўйиши тасвирланади. Комил эса устози қўллаган бадиий тасвирга яқин ташбехни қўллайди:

*Мехри руҳингга бандай ҳам чокар офтоб,
Бу важҳдин қўяр қадамингга сар офтоб [8;26].*

Сенинг қуёш янглиғ юзингга офтоб ҳам қуллик ва хизматкордир. Шу боис қадамингга бош қўяди. Диққат қилинса, Комил ғазалида Мунисга издошлиқ яққол кўзга ташланади.

Комил ижодида етакчи мавзулардан бири панд-насиҳат, умрнинг ўткинчилиги, инсон камолоти бўлиб, бунда ҳам шоир ижодида Мунисга издошлиқ акс этади. Устоз шоир ғазалларидан бирининг матлаъси шундай:

*Қилурлар бир-бирининг сухбатин гарчи ҳавас аҳбоб,
Эмаслар лек даврон гардиишидин дастрас аҳбоб [10;59].*

Замон гардиши имкон бермаса ҳам қалбан яқин инсонлар бир-бирининг сухбатини қўмсашади, дейди шоир. Комилда эса шунга ҳамоҳанг мазмунда инсон умрининг ниҳоятда қисқа ва фаниматлиги баён этилади:

*Тутунглар бир-бировнинг сұхбатини мугтанам, аҳбоб –
Ки, барча бўлгумиз навбат билан бир-бир адам, аҳбоб [8;28].*

Ёки панд-насиҳат руҳидаги қуидаги байтларда ҳам ҳар икки шоирнинг қарашларидағи ўзаро муштаракликни кўрамиз:

Мунис:

*Кўйига қўймагил қадам густоҳ,
Бормагил жониби ҳарам густоҳ [10;268].*

Комил:

*Кўйма гулзор аро қадам густоҳ,
Ётмииш онда неча санам густоҳ [8;49].*

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш жоиз. Мунис ижодида қофия ва радиф сифатида соф туркий, халқона сўзларни истифода этиш кўп учрайди. Жумладан,

*Тез этар жонон ғами ишқим ўтини қўзгалаб,
Куйдурур ул ўтга бир-бир устиконимни қалаб – [10;70]*

матлаъли ғазалининг қофияси “ўрмалаб”, “тирмалаб”, “урчалаб”, “сийпалаб”, “нўхталаб”, “бошқалаб”, “талаб” (таламоқ) каби сўзлардан иборат. Адабий таъсир натижаси ўлароқ, Комил ижодида ҳам шу шаклдаги бир қанча ғазаллар мавжуд. Масалан,

*Токай юрай йўлунгда кўзим қонин оқтурууб,
Тиндор ёшиим, кўзимни жамолингга боқтурууб – [8;31]*

байти билан бошланган ғазалнинг қофияси учун “улоқтурууб”, “тоқтурууб”, “ётурууб”, “оқ турууб”, “қоқтурууб”, “қуроқтурууб”, “чоқтурууб” сингари сўзларни қўллар экан, Мунис ижодидаги анъанани муносиб давом эттиради.

Комил ижодида Мунисга издошликтининг яна бир жиҳати шоирнинг ўз салафи ғазалларига боғлаган тахмисларидир. Комил девонининг жорий имлодаги нисбатан тўлиқ нашрида Мунис ғазалларига Комил Хоразмийнинг икки тахмиси берилган. Улардан бири ишқий мавзуда бўлса, иккинчиси ҳасби ҳол мазмунида. Девоннинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини кўздан

кечирганимизда мухаммаслар матнида бир қатор матний тафовутлар кузатилди. Қуйида ушбу фарқлар тўғрисида тўхталамиз.

Комилнинг Мунис ғазалларидан бирига боғланган тахмисининг биринчи банди қуйидагича:

*Сипеҳри ҳусн уза, эй оразинг маҳи тобон,
Қадинг ниҳоли келиб сарви гулшану дилу жон,
Нечук бу ғамдин ишим бўлмасун ҳамиша фигон,
Ҳануз васлинг ила ком топмайин даврон,
Ичурди кўнглима хунобаи ғами ҳижрон [8;195].*

Мухаммас боғлаш анъанасига қўра, тахмис ғазал байтларида қўлланган мавзу ва ғояни, бадий мазмун ва тасвири ривожлантириши, бойитиши зарур. Комил тахмиси етти банддан иборат бўлиб, ғазалдаги байтларга қўшилган учликлар мазмунан улар билан чамбарчас боғланган. Айрим ҳолларда тахмиснавис ғазал матнига жузъий ўзгартириш киритиши кузатилади. Ғазалнинг биринчи мисраси Мунис девонида “Ҳануз васлинг аро ком топмайин даврон” тарзида келади [10;193]. Мисрадаги “аро” сўзи Комил девонининг барча нусхаларида “ила” (ايلا) шаклида қўлланган.

Шу каби ўзгариш ғазалнинг олтинчи ва еттинчи байтларига боғланган тахмисларда ҳам кузатилади. Ғазал байтлари қуйидагича:

*Муродима янги етканда номурод этти,
Мени муҳолифати даҳру инқилоб замон.
Бу борғонингдин агар келмасанг ёно қойтиб,
Маҳоли Муниси зоринг тириклиги, эй жон [10;193].*

Комил девони қўлёзма ва тошбосмаларида олтинчи байтдаги “даҳру” сўзи “давр (у)” (دور)، еттинчи байтдаги “тириклиги” сўзи “тирилмаги” (تىرىلماكى) тарзи қўлланган. Диққат қилинса, тахмис муаллифининг таҳрири шеър матнига путур етказмайди. Бироқ тахмиснинг тўртинчи банди манбаларда турлича. Комил девони уч марта 1880, 1895 йилларда Хивада, 1910 йилда Тошкентда тошбосма усулида нашр этилган. Девоннинг Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 1035, 1119 рақамли

қўлёзмалари, иккинчи ва учинчи тошбосма нашрларида тўртинчи банд қуидагича:

اویوم مدام وصالینگ بіле ایدى گلشن
ضمیریم عارض آلينگ بیله ایدى گلشن
کوزوم بهار جما لینگ بیله ایدى گلشن
بوزینگ اولغالى محرزوم انگا یتوشدى خزان
كونگول همیشه خیالینگ بیله ایدى گلشن

1975 йилги жорий нашрда ҳам худди тартибда берилган:

*Уйим мудом висолинг била эди гулишан,
Замирим орази олинг била эди гулишан,
Кўнгул ҳамиша хаёлинг била эди гулишан,
Кўзим баҳори жамолинг била эди гулишан,
Юзунгдин ўлғоли маҳрум онга етуши хазон [8;195].*

Тошбосмаларнинг ilk нашри ва 922, 1025, 1949 рақамли қўлёзмаларда
эса

اویوم مدام وصالینگ بیله ایدى گلشن
کوزوم بهار جما لینگ بیله ایدى گلشن
كونگول همیشه خیالینگ بیله ایدى گلشن
ضمیریم عارض آلينگ بیله ایدى گلشن
بوزینگ اولغالى محرزوم انگا یтоشدى خزان

тарзида хато кўчирилган. Яъни банднинг иккинчи ва тўртинчи мисралари
ўрни алмашган. Жорий нашрга 1025 ва 1949 рақамли қўлёзмалар асос қилиб
олингани айтилса-да, нашрда улардаги хатолик тузатилган. Мунис шеърлари
“Сайланма”сидаги байт қуидагича:

*Кўзим баҳори жамолинг била эди гулишан,
Юзунгдин ўлғоли маҳрум онга етуши хазон [10;193].*

Бизнингча, ноширлар Тошкент тошбосмаси ва Мунис ғазалига
асосланган.

Иккинчи тахмис Муниснинг “Яхши кунумда ҳар кишиким қилди
ёрлиғ” мисраси билан бошланувчи тўққиз байтли ғазалига боғланган. Тахмис

олти банддан иборат бўлиб, учинчи, бешинчи, олтинчи байтларга бешликлар мавжуд эмас. Тахмисда байтлардаги тартиб сақланган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Комил ижодида тахмис боғланган ғазал байтларининг тартиби ўзгармаган. Бироқ Комил девонининг турли манба ва нашрларида ўзаро матний тафовутлар кузатилади. Жумладан, ушбу тахмиснинг биринчи банди жорий нашрда қуидагича:

*Дардоки йўқ жаҳон элида шармсорлиғ,
Кўрганлар, иззатимни, манга берди хорлиғ,
Эркан абас элидин дўстдорлиғ,
Яхии кунимда ҳар кишиким қилди ёрлиғ,
Дўнгач замона, айлади душманийорлиғ [8;183].*

Биринчи мисрадаги “Дардоки” (“Э воҳ”, “Дариф”, “Афсуски”) ундов сўз бўлгани учун тил қоидаларига кўра вергул билан ажратилиши зарур. Жорий нашрдаги бу хатолик Комилнинг “Танланган шеърлар”и ва “Ўзбек шеърияти антологияси”да кузатилмайди, яъни ундов сўз тиниш белгиси билан ажратилган:

Дардоки, йўқ жаҳон элида шармсорлиғ [9;46; 11;276].

Шунингдек, банднинг учинчи мисраси 922, 1025, 1035, 1119 рақамли қўлёзмалар ҳамда иккинчи ва учинчи тошбосма нашрларда “Эркан абас замон элидин дўстдорлиғ” тарзида берилган. 1949 рақамли қўлёзмада “замон” сўзи тушиб қолган ва котибнинг бу хатоси жорий нашрга ҳам кўчган. Бу сўз биринчи тошбосма нашрда эса “жаҳон” шаклида қўлланган [2;108]. Тўртинчи мисрадаги “қилди” сўзи Тошкент тошбосмаси ва “Танланган шеърлар”да “берди” тарзида келади [9;46. 4;47].

Шундай тафовут тўртинчи банднинг учинчи мисрасида ҳам мавжуд: “Кўргач юзунгни, бўлдум агар ошиқ, этма рад”. Мисрадаги “кўргач” сўзи Тошкент тошбосмаси ва “Танланган шеърлар”да “кўрдим” тарзида чоп этилган. Бу “Танланган шеърлар” нашри учун асосан девонининг Тошкент тошбосмасига таянилганидан далолат беради. Комил девонининг нусхалари ва нашрларини ўрганар эканмиз, матний тафовутларнинг катта қисми

шеърлардаги байт ва бандларнинг қисқартирилиши эканига гувоҳ бўламиз. Котиб ва ноширларнинг матнга бу каби муносабати асар бутунлигига путур етказади. Тахжил қилинаётган тахмиснинг олтинчи банди қуидагича:

*Ушиоқни қилурға чу қилдинг физон асир,
Нағмангга бўлди барча эшиитмак ҳамон асир,
Не навъ бўлмайин мани бехонумон асир,
Эй мутриб, ўлди ҳалқаи нағмангга жон асир,
Созингга ёр зулфидин олдингму торлиғ.*

Ушбу банд девон қўлёзмаларининг нисбатан мукаммали бўлган 922, 1025, 1949 рақамли қўлёзмаларда тушириб қолдирилган. Бошқа қўлёзма ва тошбосмаларда, шунингдек, кейинчалик кирилл алифбосида амалга оширилган нашрларда мавжуд. Шаклан пишиқ, мазмунан тугал ва ғазалда илгари сурилган бадиий моҳиятни ўзида мужассам этган бундай бандларнинг қисқартирилиши шеърнинг бутунлигига путур етказади. Бу Комил Хоразмий девонининг қўлёзма ва тошбосма манбалари, қолаверса, турли баёзлардан ўрин олган матнларини қиёсий ўрганиш, уларнинг мукаммал матнларини нашрга тайёрлаш ва адабиёт муҳибларига етказиш заруратини кўрсатади.

Комил назира ҳамда тахмислар учун Мунис қаламига мансуб ғазалларни танлар экан, аввало, уларнинг бадииятини, поэтик гўзалликни чуқур ҳис қиласи ва уни давом эттиришга ҳаракат қиласи. Устози билан ижодий мусобақага киришиб, муносиб издошлиқ йўлидан боради. Умуман, Комил шеъриятида Мунис ижодининг сезиларли таъсирини улуг шоир ғазалларига боғланган назира ва тахмислар далиллайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. – Тошкент: Faafur Fulom, 1983. – 184 б.
2. Девони Комил. Тошбосма. 1880. ЎзР ФА ШИ фонди, И nv. №9881. – 200 б.
3. Девони Комил. Тошбосма. 1895. ЎзР ФА ШИ фонди, И nv. №8953. – 234 б.

4. Девони Мавлоно Комил маа таворихи шоҳон Хоразм. Тошбосма. 1910.
ЎзР ФА ШИ фонди, Инв.№237. – 112 б.
5. Каримов F. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966. – 308 б.
6. Комил. Девони Комил. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди, Инв.№922/III,
1949, 1025, 1119/IV. – 1028 б.
7. Комил. Девони Комил. ЎзР ФА ШИ X.Сулаймон фонди, Инв.№1035/IV.
– 220 б.
8. Комил. Девон. //Нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, В.Мўминова. –
Тошкент: 1975. – 224 б.
9. Хоразмий, Комил. Танланган шеърлар. //Нашрга тайёрловчи: Раҳмат
Мажидий Т.; 1961. – 52 б.
10. Мунис. Сайланма. – Тошкент: Faфур Ғулом, 1980. – 366 б.
11. Ўзбек шеърияти антологияси. 5 томлик. 3-том. – Тошкент:
Ўзадабийнашр, 1961. – 440 б.
12. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II томлик. II том. //Тузувчи:
О.Шарафуддинов. – Тошкент, 1945. – 704 б.